O’ZBEKISTON RESPUBLIKASI
TOSHKENT VILOYATI
CHINOZ TUMANI
HOKIMI

РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН
ТАШКЕНТСКАЯ ОБЛАСТЬ
ХОКИМ
ЧИНАЗСКОГО РАЙОНА

Q A R O R
РЕШЕНИЕ

2019 yil “21” yanvar 14-son Chinoz t.

Қишлоқ хужалиги ва мелиоратив техникани, шунингдек машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини техник кўрикдан ўтказиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 майдаги ПҚ-3699-сон Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги “Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат ҳавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ва “Қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, шунингдек машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини техник кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низом (рўйхат рақами 2452, 2013 йил 25 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 17-сон, 229-модда) ижросини таъминлаш мақсадида,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Тумандаги мулкчилик шаклидан қатъий назар (туман Мудофаа бўлими, туман Ички Ишлар бўлими, тумани Миллий ҳавфсизлик хизматидаги ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида банд бўлмаган техникалар бундан мустасно) қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини 2019 йил учун йиллик техник кўрикдан ўтказиш учун туман ишчи гуруҳи таркиби **1-илова**га мувофиқ тасдиқлансин.

2. Тумандаги мулкчилик шаклидан қатъий назар корхона, ташкилот ва фермер хўжаликларидаги қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникаларнинг, шунингдек машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини йиллик техник кўрикдан ўтказиш **2-илова**га мувофиқ тасдиқлансин.

3. Қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникаларини, машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини йиллик техник кўрикдан ўтказиш жорий йилнинг 1 августига қадар тугатилсин.

4. Ушбу қарор ижросини таъминлаш ва техник кўрикдан ўтказиш учун пул йиғимлари қонун хужжатларида белгиланган тартибда ундирилишини таъминлаш Инспекциянинг Чиноз туман бўлими техника ҳолати ва агротехник тадбирлар устидан назорат қилиш шўъбаси катта инпектори Э.Р.Рахимжанов зиммасига юклатилсин.

5. Чиноз туман ҳокимининг 2018 йил 16 январдаги 9-сон "Тракторлар, трактор тиркамалари, мелиоратив техника ва ўзи юрар машиналар, қишлоқ хўжалиги машиналари, машина-трактор парклари, устахона ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини 2018 йил учун мажбурий йиллик техник кўрикдан ўтказиш тўғрисида"ги қарори ўз кучини йўқотган деб хисоблансин.

6. Мазкур қарор расмий нашрларда эълон қилингандан сўнг қонуний кучга кириши кўрсатиб ўтилсин.

7. Мазкур қарорни бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг Қишлоқ хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари Р.Норбўтаев зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими **А.Мадиев**

Чиноз тумани хокимининг
2019 йил “ “ январдаги
“ ” - сон қарорига
1-ИЛОВА

Қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникаларини, шунингдек машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини техник кўрикдан ўтказиш туман ишчи гурухи

ТАРКИБИ

Гурух раҳбари:

Инспекциянинг Чиноз туман бўлими
техника ҳолати ва агротехник тадбирлар
устидан назорат қилиш шўъбаси катта инпектори Э.Рахимжанов

Гурух аъзолари:

Туман Фермерлар Кенгаши раиси Ф.Жуманазаров

Туман Қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими
бошлиғи ўринбосари Р.Акромов

Туман машина трактор парки рахбари С.Рўзимуратов

Чиноз тумани ҳокимининг
2019 йил “ “ январдаги
“ ” - сон қарорига
2-ИЛОВА

Қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникаларини, шунингдек машина-трактор парклари,устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини техник кўрикдан ўтказиш

Ж А Д В А Л И

№	Ҳудуд номи	Ўтказиладиган муддати	Жавобгар шахс
1	Охунбобоев ҳудуди	04.02.2019	У.Қаршибоев
2	Ўзбекистон ҳудуди	04.02.2019	К.Турсунов
3	Гулзоробод ҳудуди	05.02.2019	А.Орипов
4	Йўлтушган ҳудуди	05.02.2019	Б.Кучкоров
5	Дўстлик ҳудуди	06.02.2019	А.Усмонов
6	Олмазор ҳудуди	06.02.2019	З.Раимов
7	Навои ҳудуди	07.02.2019	С.Мадалиев
8	Т.Охунова ҳудуди	07.02.2019	А.Собиров
9	Чиноз ҳудуди	08.02.2019	Б.Жолтаева
12	Т.Эрназаров ҳудуди	11.02.2019	Х.Эгамбердиев
10	А.Темур ҳудуди	11.02.2019	Н.Акажонов
11	С.Рахимов ҳудуди	12.02.2019	Д.Бойгунов
13	Эшонобод ҳудуди	12.02.2019	М.Ахмедов
14	Янгиобод ҳудуди	13.02.2019	А.Серикбаев
15	Чиноз Агросервис МТП МЧЖ	14.02.2019	Б.Нуршодов
16	Чиноз УАТ	15.02.2019	Х.Зухуров
17	Чиноз таъминотчи пахта	18.02.2019	А.Пўлатов
18	Пахта нефт база У/К	19.02.2019	У.Жабборов
19	Чиноз Агрокимёхимоя	20.20.2019	Х.Ковжасаров
20	Чиноз тумани фермер хўжаликлари	Хар куни	Мулк эгаси
21	Шахсий техникалар	Хар куни	Мулк эгаси